

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib93.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ҚОЙИЛОВА МЕҲРИНСО ДЖУРАЕВНА**

**ДЕВИАНТ ХУЛҚЛИ ЎСМИРЛАРДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ  
КЎНИКМАЛАРИНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02– Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тиббиёт)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук  
по педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Қойилова Мехринисо Джураевна**

Девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб  
топтириш методикаси ..... 3

**Қойилова Мехринисо Джураевна**

Методика формирования навыков здорового образа жизни у подростков  
с девиантным поведением ..... 23

**Koyilova Mehriniso Zhuraevna**

Methodology for the formation of healthy lifestyle skills in adolescents with  
deviant behavior ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 49

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib93.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ҚОЙИЛОВА МЕҲРИНСО ДЖУРАЕВНА**

**ДЕВИАНТ ХУЛҚЛИ ЎСМИРЛАРДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ  
КЎНИКМАЛАРИНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02– Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тиббиёт)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Ped2726 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.avicenna-med.uz](http://www.avicenna-med.uz)) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

|                    |   |
|--------------------|---|
| Илмий раҳбар:      | Курбанова Гулноз Негматовна<br>педагогика фанлари доктори   |
| Расмий оппонентлар | Жўраев Хусниддин Олтинбоевич<br>педагогика фанлари доктори, профессор<br>Файзуллаева Гулчехра Шарифбоевна<br>педагогика фанлари номзоди, доцент |
| Етакчи ташкилот    | Наввий Давлат педагогика институти  |

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институтининг DSc.04/30.04.2022.Tib93.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил "7" июне соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро ш., А. Навий кўчаси, 1-уй. Тел.: 8(365)223-00-50; факс: 8(365)223-17-53; (e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 088 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро ш., А. Навий кўчаси, 1-уй. Тел.: 8(365)223-00-50; факс: 8(365)223-17-53; (e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил "25" май кuni таркатилди.  
(2022 йил "25" май даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



*[Handwritten signature]*

**А.Ш.Иноятов**

Бир марталик илмий даража берувчи  
Илмий кенгаш раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

*[Handwritten signature]*

**Д.Н.Ачилова**

Бир марталик илмий даража берувчи  
Илмий кенгаш котиби, тиббиёт  
фанлари бўйича фалсафа доктори,  
доцент

*[Handwritten signature]*

**Н.А.Нуралиев**

Бир марталик илмий даража берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги бир  
марталик Илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ижтимоий жамиятнинг ўзига хос умумий қонуниятлари, инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган меъёрий тартиблар, ҳаётининг нормалар, турмуш тамойилларига ҳамда жамият аъзоларининг ижтимоий меъёр талабларига риоя қилишига йўналтирилган тадқиқотлар кенг кўламда амалга оширилмоқда. Бу борада етакчи таянч таълим муассасалари ҳамда илмий тадқиқот марказларида ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликни олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларни кўзда тутувчи ижтимоий дастурлар ишлаб чиқиш муҳим саналади. Шунинг учун ўсмирлар таълим-тарбияси жараёнида девиант хулқ шаклланишига қарши курашишнинг педагогик (pedagogical), ҳуқуқий (legal), ижтимоий-иқтисодий (socio-economic), ва соғлиқни сақлаш (health)га доир устувор вазифаларни белгилаш ва ижросини таъминлашда педагогик ва психологик салбий омилларни бартараф қилиш масаласи долзарблигича қолмоқда.

Дунё миқёсида ўсмирлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликни олдини олишга йўналтирилган фаолият жараёнига жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-маърифий ривожланишининг асосий омилларидан бири сифатида қаралади. Ҳар бир ўсмир шахсининг камол топиш шаклланиши ва касбий ривожланиши мураккаб жараён бўлиб, ўзига хос қийинчиликлар ва оғишлар, ички қарама-қаршилиқлар ҳамда ижтимоий ҳаётдаги турли вазиятларга қўника олмасликлар билан кечиши мумкин. Шу сабабдан ўсмирлар орасида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш ва ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Бунда асосан дарсдан ташқари ишлар ва машғулотларда ўсмирларнинг ўз саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган ўқув-услубий ишлар мазмунини такомиллаштириш ва оммалаштириш мазкур муаммоларга амалий ечимлар топиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсади-инсон қадри ва унинг манфаатлари, хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессияси<sup>1</sup>да дунё ёшлари ўртасида зўравонлик ғояси тарқалишининг олдини олиш кераклиги ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, турмушини ижтимоий ҳимоя қилиш учун дунё халқларидан кўп томонлама ҳамкорлик ташаббуси илгари сурилди. Бу эса, бугунги кунда ёшлар ҳуқуқларини бир меъёрда белгилаш ва уни ҳимоя қилиш глобаллашув ва ахборот технологиялари ривожланаётган даврнинг муҳим шартини эканини асослаб беради. Бунинг учун ёшларни тубан оммавий маданият хуружларидан ҳимоя қилиш, уларни соғлом турмуш тарзи кўникмалари воситасида тарбиялаш ҳамда девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. <https://uz.uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

тарзи кўникмаларини шакллантириш бўйича амалдаги мавжуд методикаларни такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли, 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6017-сонли, 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги “Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5153-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 18 январдаги 23-сонли Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада оиладаги носоғлом ижтимоий-иқтисодий ва психологик муҳит, соғлом турмуш тарзи ва унинг педагогик ва фалсафий масалалари бўйича Д.Д.Шарипова<sup>2</sup>, Г.А.Шахмурова, Ш.М.Амирсайдова, О.Р.Жамолдинова, Ш.А.Абдуллаева, Ю.М.Асадов, М.Ф.Зияева, Д.Р.Иногамова, А.Исимова<sup>3</sup>, О.М.Мусурмонова<sup>4</sup>, Ю.Э.Рахимова, С.Т.Турсунов<sup>5</sup>, Х.Шайховалар, МДХ ва Россия малакатлари олимларидан Н.П.Абаскалова<sup>6</sup>, Г.С.Акиева, Г.Д.Алимджанова, А.К.Атаев, Ю.Андреев, М.В.Андропова, К.Байер, Е.Е.Богданова, С.Г.Васильева<sup>7</sup>, А.М.Виноградова, Т.Ю.Дудченко, С.И.Глухих, И.Ю.Лебедева, О.Б.Раева, Т.М.Резер, С.В.Стацук ва бошқалар изланишлар олиб борганлар.

Ички оилавий муносабатлар тизимида боланинг носоғлом ҳолати билан боғлиқ бўлган ўсмирларда девиант шакллар ҳатти-ҳаракатларининг намоён

<sup>2</sup> Шарипова Д. Научные основы гигиенического воспитания обучающихся: Автореф. ... дисс. докт. наук. – Т., 1990. – 47 с

<sup>3</sup> Исимова А.Е. Дарсдан ташқари таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари (V-IX синфлар мисолида): Дис. пед.фан.номзоди: -Т.: 2004. - 213 б.

<sup>4</sup> Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: Дис. проф.фан.докт. -Тошкент: 1993. - 364 б

<sup>5</sup> Турсунов С.Т. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида “Соғломлаштириш мактаби” педагогик тизимини ривожлантириш: Дис. ... пед. фан. д-ри. – Тошкент, 2011. - 343 б.

<sup>6</sup> Абаскалова Н. П. Системный подход в формировании здорового образа жизни субъектов образовательного процесса: Дис. д-ра пед. наук: Новосибирск, 2001. С. 336.

<sup>7</sup> Васильева С.Г. Организационно-педагогические условия формирования профессиональной компетентности будущих медицинских сестер. Дисс. ... канд. пед. наук.– Якутск, 2005.– 220 с.

бўлиши муаммоларига Ю.Р.Вишневский, Г.А. Гурко, И.А.Горьковой, А.Ф.Георгиевский<sup>8</sup>, А.Н. Елизарова, А.В. Меренкова, В.Д. Москаленко, Г.П. Орлова, Б.С. Павлова, Э.И.Поднебесная<sup>9</sup>, В.Г. Попова, В.Т. Шапко и бошқа олимларнинг илмий тадқиқот ишлари бағишланган.

Хорижий давлатлар олимларидан Р.Бантон, Г.Макдональд, К.Тонс, С.Тилфорд, А.Скривен, С.Гарманн<sup>10</sup> каби олимларнинг тадқиқотларини таъкидлаб ўтиш жоиз, уларнинг илмий изланишларида, ёшлар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш ҳамда ўқувчилар хулқ-атвори оғишганда унинг профилактикасини ўтказиш ишлари тақдим этилган.

Тадқиқот муаммоси юзасидан ўтказилган илмий тадқиқотлар ҳамда тиббиёт соҳасининг ихтисослик ҳамда педагогик туркум фанлари мазмуни таҳлили шундан далолат берадики, девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш методикаси махсус илмий тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий тадқиқотлар режасининг ОТ-Ф1-002-рақамли “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** девиант хулқнинг замонавий оммавий кўринишлари тенденцияси ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш асосида ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

илғор хорижий тажрибалар асосида девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга қаратилган креатив-ташхисловчи ишланмалар мазмунини бойитиш;

ўсмирлар ўртасида девиант хулқ кўринишларини профилактика қилиш алгоритминини ишлаб чиқиш.

ўсмирлар хулқ-атворининг ижтимоий меъёрлардан оғиши шакллари ва сабабларини психофизиологик асосларини таҳлил этиш орқали оиладаги ижтимоий тарбия воситасида ўсмирлар девиант хулқ-атворини олдини олиш механизмларини такомиллаштириш;

ижтимоий-тарбиявий лойиҳаларни амалиётга жорий этиш натижасида девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини

<sup>8</sup> Георгиевский А.Ф. Формирование культуры здорового образа жизни младших подростков в общеобразовательных учреждениях: дис. канд. педагогических наук: - Москва: 2009. С. 143.

<sup>9</sup> Поднебесная Э.И. Педагогические аспекты формирования социального здоровья подростков, дис. канд. педагогических наук: - Рязань: 2010. С. 215.

<sup>10</sup> Buntun R, Macdonald G. Health promotion: disciplines, diversity, and developments. 2nd ed. London & New York: Routledge, 2002; Tones K, Tilford S. Health promotion: effectiveness, efficiency and equity. 3rd ed. Cheltenham, UK: Nelson Thornes, 2001. ISBN 0748745270.; Scriven, A and Garman, S. (2007) Promoting Health: Global Perspectives. Basingstoke: Palgrave Macmillan. ISBN hardback 1-4039-2136-9 paperback 1-4039-2137-7.



шакллантириш методикаси мазмунини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш,

девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш методикасини педагогик тажрибаларда синовдан ўтказиш ва олинган натижаларга математик-статистик ишлов бериш.

**Тадқиқотнинг объекти-** девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш жараёни ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш мазмуни, шакллари, методлари ва воситаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда мавзуга оид илмий, фалсафий, психологик, педагогик ва услубий адабиётларни таҳлил қилиш, диагностика, суҳбат, сўровнома, интервью, тажриба-синов, тест, ўз-ўзини баҳолаш ва эксперт баҳолаш, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш каби эмпирик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

хорижий тажрибаларни таҳлил этиш асосида девиант хулқли ўсмирларни ижтимоий-тарбиявий, тиббий-соғломлаштирувчи лойиҳаларга жалб этиш орқали соғлом турмуш тарзи (ўсмир шахси ақл-идроки, психологияси ва мотивацияси) кўникмаларини шакллантириш шарт-шароитлари (ақлий, руҳий, жисмоний ва меҳнат фаолиятининг методик мувозанати) аниқлаштирилган;

ўсмирлар муҳитида девиант хулқ (алкоголизм, тамаки чекиш, наркомания, вандализм, граффити) шакллари: а) ўсмирларда девиант хулқни шаклланишига сабаб бўлувчи ва ундовчи ҳатти-ҳаракатларга қарши маъсулиятни оширишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий чора-тадбирлар, б) ўсмирлар онгида девиант хулқ шакллари намоён бўлишини олдини олиш ҳамда руҳий барқарорлик ва мувозанатни шакллантириш бўйича оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш чора-тадбирлари, в) девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилган ижтимоий институтлар, жумладан ёшлар жамоат ташкилотларининг фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар, г) махсус тиббий, социологик, педагогик (ўсмирлар девиант хулқининг мониторинги, тест, ўсмирларнинг девиант хулқнинг намоён бўлиши билан боғлиқ ахборот ҳамда ирсий карталарини тузиш), тадқиқотларни амалга оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар асосида профилактика қалиш алгоритми таклиф этилган.

қадриятли ёндашув асосида ўсмирлар хулқ-атворининг ижтимоий меъёрлардан оғиши шакллари (жиноятчилик, кўркув ва вандализм) ва сабаблари (оила ва турмушдаги салбий таъсирлар, ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатлар ва оммавий маданият)ни психофизиологик асосларини таҳлил этиш орқали оиладаги ижтимоий тарбия воситасида ўсмирлар девиант хулқ-атворини олдини олишга йўналтирилган ахборот-дидактик таъминот ҳамда электрон платформа ишлаб чиқилган;



девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи қирралари (ижобий “Мен” концепцияси)нинг яхлит шаклланиши даражалари (юқори, ўрта ва қуйи)ни назарий ва эмпирик баҳолаш мезонлари(репродуктив, фаолиятли, продуктив ва креатив)ни аниқлаш орқали ўқув-тарбия ва оилавий тарбия жараёнида фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

хорижий тажрибаларни таҳлил этиш асосида синфдан ташқари машғулотларда ижтимоий-тарбиявий лойиҳаларни амалиётга жорий этишга қаратилган “Девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи асослари” махсус ўқув курси танлов фан сифатида ишчи ўқув режасига қиритилган ва унинг ўқув-методик таъминоти ишлаб чиқилган;

соғлом турмуш тарзи қирралари(Ижобий “Мен” концепцияси)нинг яхлит шаклланиши даражалари (юқори, ўрта ва қуйи)ни ўзида мужассамлаштирган “Девиант хулқли ўсмирлар ва соғлом турмуш тарзи” номли монография чоп этилиб, улардан таълим муассасалари, махсус таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнида фойдаланилмоқда.

ўсмирлар хулқ-атворининг ижтимоий меъёрлардан оғиши шакллари (жиноятчилик, кўркув ва вандализм) ва сабаблари(оила ва турмушдаги салбий таъсирлар, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар ва оммавий маданият)ни бартараф этишга мўлжалланган “Девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш методикаси” услубий кўрсатмаси чоп этилиб, тиббий педагогика ва олий ҳамширалик иши таълим йўналиши талабаларининг ўқув-тарбия жараёнида фойдаланишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга доир илмий-назарий ёндашувлар, қарашлар ва ғоялар, илғор тажрибалар ўрганилганлиги, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот усуллари, қўлланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тадқиқотнинг мантиқий тизимлашган дастури, реал педагогик амалиёт ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигининг таҳлили, таҳлилнинг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли вазирлик ва ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтиришга концептуал ёндашиш тамойиллари яратилгани, мазкур ёндашувни амалга ошириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий-методик тизимнинг амалиётга тадбиқ этилгани, тадқиқотнинг тиббий, ижтимоий-педагогик натижаларга асосланган илмий хулосаларнинг қўлланмалар, монография ва тавсиялар шаклидаги самарадорлигининг асосланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таълим муассасаларида девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини

шакллантиришга йўналтирилган услубий дидактик таъминот яратилганлиги, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга йўналтирилган фанларни ўқитиш методикасига янгича педагогик тафаккур асосида ёндашиш технологиялари ҳамда ўқув дастурларини такомиллаштириш, шунингдек, жамоат саломатлиги техникумларининг биринчи босқич талабалари учун “Валеология асослари” фанини ўқитиш юзасидан тайёрланадиган маъруза матнлари мазмунини бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Девиант хулқли ўсмирларда фаолиятли ёндашув асосида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш методикаси асосида олинган илмий натижалар қуйидаги ишлар орқали амалиётга татбиқ қилинган:

девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришнинг назарий асослари, амалдаги ҳолати ва замонавий ёндашувларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик шарт-шароитларини асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида: девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш методикасини стратегик ривожлантиришнинг мезонларини такомиллаштиришга оид тавсиялардан жамоат саломатлиги техникумларининг 5.71.03.00- “Ҳамширалик иши” таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 4 ноябрдаги 8п-з/397-сон маълумотномаси). Натижада, таклиф этилган тавсиялар “Жамоада ҳамширалик иши”, “Тиббий психология”, “Касбий психология”, “Касб касалликлари” каби фанларини ўқитиш мазмунига сингдирилган;

девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини синфдан ташқари машғулотларда “Девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи асослари” ўқув курсини амалиётга жорий этиш орқали ривожлантиришга доир амалий таклиф ва тавсиялар 2017-2020 йилларда бажарилган ОТ-Ф1-002-рақамли “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” номли фундаментал лойиҳа доирасида фойдаланилган. (Илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 4 ноябрдаги 8п-з/397-сон маълумотномаси). Натижада, ташкил этилиб, меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган саломатлик учун хавфли омиллардан ўзини муҳофаза қила оладиган, саломатликни сақлашга ёрдам берадиган, жамоада соғлом маънавий муҳитни ярата оладиган баркамол авлодни тарбиялашга катта ҳисса қўшилган;

ўсмирлар хулқ-атворининг ижтимоий меъёрлардан оғиши шакллари ва сабабларини таснифлаш, оиладаги ижтимоий тарбия воситасида ўсмирлар девиант хулқ-атворини олдини олиш механизмларини такомиллаштириш асосий омиллардан бири эканлиги 5.71.05.01-“Фармация”, 5.71.01.01-“Фельдшер-акушерлик”, 5.71.01.02-“Фельдшер-лаборантлик иши” йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29

декабрдаги 08-09/21255-сон хулосаси). Натижада, таклиф этилган методик тавсиялар “Терапияда ҳамширалик иши”, “Тиббиёт касбига кириш”, “Тиббий психология”, “Касбий психология” каби фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Ўсмирлар хулқ-атворининг ижтимоий меъёрлардан оғиши шакллари (жиноятчилик, кўркув ва вандализм) ва сабаблари(оила ва турмушдаги салбий таъсирлар, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар ва оммавий маданият)ни бартараф этишга оид методик тавсиялар “Девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш методикаси” услубий кўрсатмаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 12.10.2021 й). Натижада бўлажак тиббиёт мутахассисларида девиант хулқли ўсмирлар билан фаолият олиб боришда педагогик маҳорат қирраларини намойиш қилиш кўникмалари ҳосил қилишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 2 халқаро, 5 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та нашр ишлари эълон қилинган бўлиб, шу жумладан, 2 та монография, 1 та тренинг қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда материаллари нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 та боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 120 саҳифани ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги, амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, илмий, амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар, шунингдек, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик муаммо эканлиги асосланиб, ўсмирлар хулқ-атворининг ижтимоий-меъёрлардан оғиш сабаблари ва шакллари, шунингдек, оиладаги ижтимоий тарбия орқали ўсмирлар девиант хулқ-атвори олдини олиш йўллари мазмуни келтирилган.

Ўсмирларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш жараёнининг ижтимоийлашувини талаб этади ва ёшларда юксак маънавият, онгли интизом, инсоний қадр-қиммат туйғуси, жамиятда белгиланган ижтимоий нормаларга асосланган хулқ-атвор, эстетик бой дунёқараш, мантикий ва ижодий фикрлашни шакллантиришга замин яратади.

“Девиант хатти-ҳаракатлар” тушунчаси вояга етмаган ёшларнинг хатти-ҳаракати жамиятда қабул қилинган ижтимоий тартиб-қоидалардан четга чиқиш деган маънони билдиради ва ушбу тартиб-қоидаларга риоя қилмаслик ва уларни бузиш билан характерланади. Девиант хатти-ҳаракат айниқса, вояга етмаганлар учун хосдир. Ушбу даврда вояга етмаган ёшларнинг шахсий хислатлари шаклланади, унинг ўз-ўзини англаши, дунёни билиши қарор топади. Девиант хатти-ҳаракатли (хулқи оғишган) болалар ва ўз-ўзини бошқара олмайдиган болалар ҳеч нарсадан тап тортишмайди, улар учун қонун-қоидалар йўқ, улар ўқитувчиларини ҳам, ота-онасини ҳам тан олмаслиги мумкин. Агар бундайларга ўз вақтида чора кўрилмаса ёки улар ўз хоҳиш истакларини жиловлай олмасалар, бундай болалар катта бўлганда психопат ёки баъзи ҳолларда қонунбузар бўлиб етишишлари мумкин.

Ўсмирлар жиноятчилиги таҳлили уни келтириб чиқарувчи омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатган:

- оила ва турмушдаги салбий таъсирлар;
- носоғлом турмуш тарзи;
- ёмон хулқли шахслар билан алоқада бўлиш;
- ўқимайдиган вояга етмайдиганларнинг узоқ вақт мобайнида муайян фойдали машғулот билан банд бўлмаслиги;
- катта ёшдаги жиноятчилар томонидан ҳуқуқбузарликларга ва турли ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиниши;
- зўрлик ишлатишлар, ёзилган турли китоб ва видеофильмларнинг таъсири;
- ҳаётдаги омадсизликлар ва ахлокий эътиқодларнинг турғун эмаслиги;
- руҳий ҳолатдаги айрим сифатлар;
- оммавий маданиятнинг салбий таъсири;
- айрим ҳаракатларга нисбатан қизиқувчанлик ва шундай ҳаракатларни содир этишга мойилликнинг кучайишидир.

Мазкур жараёнда ўсмирларни турли хил салбий оммавий маданиятдан ҳимоялашни ва соғлом турмуш тарзи кўникмалари воситасида тарбиялашни қуйидаги вазифалар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

ўсмирлар орасида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш ва ривожлантиришнинг дидактик асосларини аниқлаш;

дарсдан ташқари ишлар ва синфдан ташқари машғулотларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш технологияларини ишлаб чиқиш ва ўқитувчиларга методик кўрсатма сифатида тавсия этиш;

ўсмирларнинг ўз саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга онгли ёндашув зарурияти ва масъулиятини кучайтириш асосида “Физиологик саломатлик” ўқув дастурини яратиш ва ундан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқишдан иборат.



**1-расм. Ўсмирларнинг девиант хулқ-атвори сабаблари**

Тадқиқотимиз доирасида бугунги кунда ўсмирларда учрайдиган девиант ҳатти-ҳаракатларнинг куйидаги шакллари белгиладик. Булар: жиноятчилик, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик, суицид, дайдилик, кўркув, вандализм ва граффити ҳисобланган.

Ўсмирларнинг девиант ҳаракатларига олиб келадиган омилларнинг пайдо бўлиши билан катталарнинг амалга оширадиган тўғри ҳатти-ҳаракати ушбу муаммоларни эрта шаклланиш босқичида ҳал қилишга ёрдам берган.

Оила – боланинг яхши ҳаёт кечирishi ва ривожланиши мумкин бўлган ягона энг яхши муҳит. Оила болани ижтимоийлаштиришнинг энг мос омили ҳисобланган.

Оила қариндошлик муносабатлари тажрибасини, катталар билан мулоқот қоидаларини, маънавий ва умуминсоний кадриятларни ўзлаштиришга ёрдам берган.

Оилада инсоннинг ҳаёт тарзи, интилишлари доираси ва даражаси, ҳаётий йўналиши, режалари ва уларга эришиш усулларини белгиловчи ижтимоий ва миллатлараро муносабатлар соҳаларидаги фундаментал кадриятли йўналиши шаклланади. Бундан ташқари, оила, мустақил ҳаёт учун руҳан жуда муҳим бўлган мададкорлик ролини ўйнайди. Оилада ўсмирларда девиант хулқнинг шаклланишига куйидаги омиллар таъсир кўрсатган:

1. Ижтимоий-психологик омиллар (эр-хотинлар, ота-оналар ва болалар ўртасида деструктив эмоционал-низоли муносабатлар мавжуд оилалар, педагогик уқувсиз ва умумтаълим даражалари паст ота-оналар, кадрият тушунчалари бузилган оилалар);

2. Ижтимоий-ахлоқсизлик омиллари (ота-оналарнинг ичкиликбозлик, гиёҳвандликка берилганликлари, мослаша олмасликлари, ахлоқсиз ҳаёт тарзлари, оилавий жанжаллар, болага салбий таъсир кўрсатиш, унга нисбатан шафқатсиз бўлиш);

3. Ижтимоий-жиноий омиллар (ота-оналарнинг ичкиликбозлик, гиёҳвандликка берилганликлари, ахлоқсиз ва зарарқунандалик ҳаёт тарзлари, оилавий жанжаллар, шафқатсизлик ва қийноққа солиш кўринишлари, оила аъзоларининг жиноий жавобгарликка тортилганликлари, жиноятчилар билан мулоқотда бўлиш);

4. Ижтимоий-иқтисодий омиллар (оила ҳаётининг паст моддий даражаси, даромадларнинг доимий эмаслиги, ёмон яшаш шароитлари);

5. Тиббий-ижтимоий омиллар (экологик ноқулай шароитлар, ота-оналарнинг, оила аъзоларининг ногиронлиги ёки сурункали касалликлари, ота-оналарнинг, айниқса, онанинг зарарли иш шароитлари);

6. Ижтимоий-демографик омиллар (нотуълиқ ёки кўп болали оилалар, балоғат ёшига етмаган ёки кекса ота-онаси бўлган оилалар, такрорий никоҳли ва ўғай фарзандли оилалар).

Ўсмирлик ёши жуда мураккаб, бу улғайиш даври, улғайиш даврига ўтиш болалалик дунёқарashi йўқотилиши ва улғайишга ҳали эришилмаганлиги кузатилади. Турли даражадаги назоратсизлик билан ифодаланувчи ота-оналарнинг тарбиявий қарашлари бу фақатгина ноқобил оилалардагина эмас, балки муваффақиятли оилаларда ҳам учрайдиган катталар томонидан ғамхўрлик ва назоратнинг йўқлигидир. Шу нуқтаи-назардан ўсмирлар билан кўп йиллик тарбиявий ишларни олиб боришда салбий ҳолатларни олдиндан кўра билиш ва олдини олишни билиш керак. Ўсмирларнинг ижтимоий мақсадларга эришув йўлидаги саъй-ҳаракатларга ёрдам бериш, ички салоҳий қудратини юксалтириш, уларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини мунтазам тарбиялаб бориш зарур ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Девиянт хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзини таркиб топтиришнинг амалий асослари”** деб номланган иккинчи бобида девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзини ташкил этишнинг шакл, усул, воситалари, девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш функциялари ва тамойиллари ҳамда девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш методикаси мазмуни ўз аксини топган.

Ўсмирларнинг шахс ва субъект сифатида шаклланиши, ақлий ривожланиши, тарбияланганлик даражасининг ўсиши, жамият томонидан белгиланган одоб-ахлоқ, хулқ нормаларига мослиги уларнинг келажакда жамиятнинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида фаолият юритишига замин яратган.

Девиянт хулқли ўсмирларни аниқлаш механизмларини такомиллаштиришда педагогик диагностика, профилактика, коррекция, реабилитация муолажаларига мурожаат этиш талаб этилади.

Соғлом турмуш тарзи долзарб ижтимоий-педагогик муаммо бўлиб, унга инсон идроки, психологияси ва мотивацияси нуқтаи-назаридан қаралади.

Турмуш тарзини ташкил этишда фаол меҳнат, жисмонан кучли, ўта хавфли ва зарарли таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳимояланиш, шунингдек, маънавий маданиятни ўзида мужассамлаштириш назарда тутилади.

**Соғлом турмуш тарзи** – ёш авлоднинг ҳар тамонлама ривожланиш гаровидир. Турмуш тарзи – бу бизнинг ҳаёт фаолиятимиз, яъни бир кеча-кундузни қандай тартибда ўтказишимиздир.

Саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш бир неча соғлом турмуш тарзи омилларини эътиборга олиш асосида кечади. Соғлом турмуш тарзини ташкил этувчи омиллар ва мазмунини қуйидагича изоҳлаш мақсадга мувофиқдир.

Саломатлик одам организмнинг ташқи муҳитнинг муттасил ўзгариб турадиган шароитларига мослашиш хусусиятидир. Ташқи муҳит иқлим омиллари ва шароити меҳнат ва дам олишни тўғри ташкил этиш, овқатланиш

рацион, ижтимоий муҳит кабиларни ўз ичига олади. Ўсмирлар соғлом турмуш тарзи омилларига кўникма асосида амал қилиши, зарарли таъсир кўрсатувчи омиллардан онгли равишда ҳимояланиши шахсий ва тиббий саломатликни таъминлашга асос бўлиб, одам организмнинг биологик ақлий, рухий, жисмоний ҳолатлари ва меҳнат фаолиятининг мувозанатлашган бирлиги саналади.



**2-расм. Ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш шарт-шароитлари**

Ўсмирларда соғлом турмуш тарзи қирраларининг яхлит шаклланиши уларда соғлом турмуш тарзи маданиятининг тарбияланганлиги мезонидир.

Бу ўринда соғлом турмуш тарзини таркиб топтириш қўйидаги педагогик функциялар асосида амалга оширилади:

– билимларни тиклаш – биологик таълим мазмунида таълим, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар орқали соғлом турмуш тарзи юзасидан олган билимларни тиклаш, таҳлилий ва мантиқий фикрлашга ўргатиш;

– билимларни янгилаш – соғлом турмуш тарзи юзасидан аввал ўзлаштирган билимларини кенгайтириш, аниқ далиллар асосида ривожлантириш;

– билимларни тартибга солиш – соғлом турмуш тарзи юзасидан ўзлаштирган билимларини таҳлил қилиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиб бориш;

– билимларга амал қилиш – соғлом турмуш тарзи юзасидан олган билимларига турмуш тарзи давомида амал қилиш орқали уни шахсий эътиқодга айлантириш;

– олдиндан кўра билиш – соғлом турмуш тарзи омилларини шахсий эътиқодга айлантириш келгусида ақлан ва жисмонан соғлом бўлиш, турли хил касалликларни бартараф этиш ва узоқ умр кўриш, маънан бузғун ғоялардан четланиш, бунёдкор ғояларга эга бўлишни назарда тутати.

Узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида соғлом турмуш тарзи, саломатлик асослари ҳақида изчил билим бериш, ёшларда ўз соғлигига бўлган муносабатни шакллантиришнинг аниқ механизм ва узлуксиз тизимини яратишга, шунингдек, узлуксиз таълим тизимида ўқитиладиган



тиббий-биологик фанлар негизига ёшларда соғлом турмуш маданиятини шакллантиришнинг назарий асосларини сингдириш, тизимдаги узвийлик ва узлуксизликка амал қилиш муҳим аҳамиятга эга.

1-жадвал

**Соғлом турмуш тарзини таркиб топтириш функциялари асосида  
ўсмирлар билимини назорат қилиш**

| <b>Ўқув мақсадлари</b>  | <b>Билиш компетенциялари</b>   | <b>Дарсдаги назорат тури</b>  | <b>Топширик даражаси</b>                                       |
|-------------------------|--|---|--|
| Билимларни тиклаш       | Объектларни таниш ва изоҳлаш ҳодиса, жараёнларни тушуниш, таниш, изоҳлаш.<br>Соғлом турмуш тарзи ва экологик билимларни билиш                                    | Тест<br>топшириғи<br>Оғзаки жавоб<br>Кластер тузиш                  | Репродуктив<br>Продуктив<br>Қисман-изланишли<br>Креатив даража |
| Билимларни янгилаш      | Объектлар, ҳодиса ва жараёнларни тушуниш ва изоҳлаш.<br>Носоғлом турмуш тарзи асоратлари ва экологик муаммоларни тушуниш   | Кластер тузиш<br>Венн диаграмма<br>Масалалар ечиш, Венн диаграммаси | Продуктив<br>Қисман-изланишли<br>Креатив даража                |
| Билимларни коррекциялаш | Объект, ҳодиса, жараёнлар устида кузатиш ва тажрибаларни ўтказиш.<br>Ўз саломатлигини асраш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш, оддий экологик тажрибалар ўтказиш | Оғзаки жавоб<br>Кластер тузиш                                       | Репродуктив<br>Продуктив<br>Қисман-изланишли<br>Креатив даража |
| Билимларга амал қилиш   | Объект, ҳодиса, жараёнларни таққослаш, объектларни қисмларга ажратиш, ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиш, объект, ҳодиса, жараёнларни қиёслаш             | Венн диаграммаси<br>Кластер тузиш                                   | Қисман-изланишли<br>Креатив даража                             |
| Башорат қилиш           | Объектларни систематик гуруҳларга ажратиш, объект, ҳодиса, жараёнлар ҳақидаги билимларни умумлаштириш  | Кластер тузиш<br>Венн диаграммасини тузиш                           | Қисман-изланишли<br>Креатив даража                             |
| Хулосалаш               | Объект, ҳодиса, жараёнлар ҳақида умумий хулоса яшаш  | Оғзаки жавоб  | Репродуктив<br>Продуктив<br>Қисман-изланишли<br>Креатив даража |

Мазкур фанлар тизимига қуйидагилар киради:

1) мактабгача таълим муассасаларида - ўйин ва атроф-муҳит билан таништириш маштулотлари орқали;

2) 1-4 синфда “Саломатлик дарслари”, “Одобнома”, “Атрофимиздаги олам”;

3) 5-9 синфда “Соғлом авлод асослари”, “Ватан туйғуси”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, “Биология”, “Анатомия”, “Зоология”, “Жисмоний тарбия”, “Одам ва унинг саломатлиги”;

4) 10-11 синфда ёки академик лицей, касб-хунар коллежларида “Соғлом турмуш тарзи ва оила”, “Соғлом турмуш тарзи”, “Оила психологияси”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”;

5) Олий ўқув юртида: бакалаврлар учун “Соғлом турмуш тарзи асослари”, “Валеология” фани, “Миллий истиқлол ғояси”, магистрлар учун “Соғлом турмуш маданияти асослари” махсус курслари.

Ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш жараёни мазкур функциялар орқали қуйидагича амалга оширилиши мақсад қилиб олинди.

Ушбу жадвалда ўқув мақсадлари, педагогик компетенцияларни таркиб топтириш босқичларида фойдаланиладиган ўқув топшириқлари, оралиқ назоратда компетенцияларни назорат қилиш учун фойдаланиладиган ностандарт тест топшириқларининг турлари ва уларнинг мураккаблик даражалари ўз аксини топган. Ўқув топшириқлари “Му test” дастури орқали амалга ошириш соғлом турмуш тарзи юзасидан ўзлаштирган билимларини назорат қилиш ва баҳолашда ўқувчининг ўқув-билиш фаоллигини ошириш имконини беради.

Бу эса ёшларда ўқув мотивларини кучайтириш орқали фаолликка йўналтириш ва рағбатлантиришнинг устуворлигини таъминлайди.



**3-расм. Девиант хулқли ўсмирларда ижобий хулққа эришиш кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилган ижтимоий-педагогик омиллар**

## ДЕВИАНТ ХУЛҚЛИ ЎСМИРЛАРДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ КЎНИКМАЛАРИНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШ

**Мақсад:** девиант хулқли ўсмирларда фаолиятли ёндашув асосида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш.

**Вазифалар:** фаолиятли ёндашув асосида девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга қаратилган креатив-ташхисловчи ишланмалар мазмунини бойитиш;  
ўсмирлар хулқ-атворининг ижтимоий меъёрлардан оғиши шакллари ва сабабларини психофизиологик асосларини таҳлил этиш орқали ижтимоий тарбия воситасида ўсмирлар девиант хулқ-атворини олдини олиш механизмларини такомиллаштириш;  
ижтимоий-тарбиявий лойиҳаларни амалиётга жорий этиш натижасида девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш методикаси мазмунини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

### МАЗМУНИ

Тиббиёт олийгоҳлари ўқув режасидаги фанлар: “Тиббий билим асослари”, “Валеология”, “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги”, “Касбий педагогика”, “Педагогика.психология”  
Махсус курс: “Девиант хулқли ўсмирларда соғлом турмуш тарзи асослари”  
“Соғлом турмуш тарзи” клуби дастури

### ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ

Давра суҳбати, семинар-тренинг, аутотренинг, ролли ўйинлар, соғломлаштирувчи машғулотлар, фестивал, кўрик-танлов, халқ миллий ўйинлари, экскурсия-саёҳат, start up лойиҳалари

### СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ КЎНИКМАЛАРИНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

